

## КЕМИРУВЧИ ЗАРАРКУНАДАЛАРГА БИОЛОГИК КУРАШ ЧОРАЛАРИ

*Tolibjonov Oxunjon Odiljon o‘g‘li*

*Andijon qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalar instituti assistenti*

*Ibroximov Burxonjon To‘lqinjon o‘g‘li*

*Andijon qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalar instituti talabasi*

**Annotatsiya** Ushbu maqolada bugungi kunda Paxta dalalarida tarqalgan Fўза тунлами (*Heliothis ormigera hb*) va Кузги тунлам-*Agrotis segetum*. *Den et schiff*, paxta dalalariga juda kata zarar keltirib kelmoqda ushbu zararkunandaga dexqonlar qancha qarshi kurashmasin bu zararkunandalarning zarari kamaymayapti manashunday muammolarning yechimini ushbu maqolada kemiruvchi zararkunandalarning rivojlanishi, tarqalishini, zarar mezoni va unga qarshi biologik kurashish choralar bilan tanishib olasiz.

**Kalit so‘zlar:** G’o‘za, Fўза тунлами (*Heliothis ormigera hb*) Кузги тунлам-*Agrotis segetum*. *Den et schiff*, oltinko‘z brakon va trixogramma.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 23-oktabrdagi “O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligini rivojlantirishning 2020-2030-yillarga mo‘ljallangan strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PF-5853сон farmoni ijrosini ta’minlash maqsadida sifatli meva maxsulotlarini yetishtirish maqsadida ushbu maqolani yozdik.

Respublikada 160 mingdan ortiq fermer xo‘jaligiklari faoliyat ko‘rsatmoqda. Ko‘p tarmoqli fermer xo‘jaliklari 45 foizga ko‘payib, ularning soni 75 mingtaga yetdi. Joriy yil mamlakatimizda 8,377 million tonna g‘alla, 2,93 million tonnadan ziyod paxta, 12,45 ming tonna pilla, 318 ming tonna sholi, 23 million tonna meva-sabzavot, 13 million tonna go‘sht va sut mahsulotlari yetishtirildi. Birinchi marta shafran ekish yo‘lga qo‘yildi, soya ekish kengaydi. Qishloq xo‘jaligi mahsulotlarining 132 ming tonnasi qayta ishlanib, 100 million dollarlik tayyor mahsulot eksport qilindi. 856 million dollarlik 724 ming tonna ho‘l meva chetga sotildi. Avvalo, yerdan unumli foydalanish va uni talon-taroj qilishning oldini olish — eng muhim vazifalardan biridir, dedi davlat rahbari. Mamlakatda sug‘oriladigan yerlar atigi 3 million 300 ming hektar bo‘lib, uni ko‘paytirishning hech iloji yo‘q. Chunki O‘zbekistonda suv resurslari cheklangan. 830 ming hektar yerni sug‘orishda qiyinchiliklar yuzaga kelmoqda.

Fўза тунлами (*Heliothis ormigera hb*) ер куррасининг барча қисмларида мўтадил ва субтропик районларида кенг тарқалган. Ўрта Осиёда фўза тунлами хамма жойда учрайди. Бироқ унинг оз кўплити ва келтирадиган зарари турли тупроқ-иқлим зоналарида турличадир. Сурхандарё, Фарғона ва Андижон вилоятларининг кўп қисми доимо заарланиб турадиган зона хисобланади. Бир

қатор ирригация системалари ишга туширилганидан кейин бу зааркунанда Бухоро вилоятида, Сирдарё вилоятининг жанубий-шарқий зонасида, Наманган ва Қашқадарё вилоятларида хам анча кўпая бошлади. Кўсак қурти капалаги йирик, қанотини ёзганда 30-40 мм келади. Танасининг узунлиги 12-20 ммга боради, танаси охирсимон сариқдан тортиб кўкиш-сариқ кулрангтагача ўзгаради. Олдинги қанотларининг марказида биттадан кичикроқ юмалок, юқорироғида эса биттадан йирик буйраксимон қорамтири доғлари бор. Орқа қанотлари олдингиларига қараганда очроқ кенг тук хошияли, ўртасида тўқ рангли ойсимон доғлари бор.

Тухумларини кўпинча бегона ўтларга дағалканоп, бангидевона, гулхайри, тутмагул, мингдеквоналарга қўяди. Ёзга тунламигининг биринчи авлоди хамиша кам бўлади ва эртанги экинлардан нўхат, тамаки, зифир, помидор ва маккажўхорида ривожланади.

Ёзага шоналаш даврида тухум қўя бошлайди. Зааркунанда ёзниг биринчи ярмида барвақт ривожланган ўсимликларга, иккинчи ярмида эса анча кечки экинларга тушади. Ёзга тунламигининг тухуми ғумбаксимон шаклли бўлади. Унинг диаметри 0,5-0,7 мм, баландлиги 0,4-0,5 мм келади. Тепасидан асосигача ўзига хос қобиқчалар-радиуслар ўтган. Кўйилган тухумлар дастлаб оқиши-кулранг, кейин эса қўнғир бўлади. Капалаклар тухумларини асосан унда-бунда, биттадан ёзга пояларининг учки қисмидаги ўсув нуқталарини яқинидаги баргларга, шона гулён баргларига ваш она хамда гул асосларига қуяди. Шу билан бирга капалаклар гўзаси ғовлаб ўсган сернам далаларни ёқтиради. Гидрометрик шароитларга қараб 4-6 кун оралатиб тухумлардан қурт чиқади. Тухумдан чиқсан қурт оч, кўк деярли тиник оқиш бошли бўлади. Кўп ўтмай қуртнинг боши қораяди, танасини ранги хам тўқ тус олади. Қуртнинг танаси майдада қилчалар ва хочалар билан қопланган, холчаларнинг хар қайсисида биттадан қилча бўлади. Олтисининг тузи хар-хил стадияларда ва ўсимликларнинг органларида озиқланишига қараб қўнғир-қора ёки яшил рангдан сарғиш тусгача ўзгаради. Озиқланиб бўлган охриги ёшдаги қуртлар тупроққа тушади ва бунда 5-12 см чуқурликда ин хосил қилиб унда ғумбакка айланади. Камдан кам холларда инидан ташқарида кўсак ёки маккажўхори кўсак ичига, пўстлоқларида ғумбакка айланади. Ғумбагининг бўйи 17-21 мм келади. Қорин қисмининг ўнинчи сегментидаги охирги ўнгига паралел жойлашган иккита тиканча бўлади. Орадан 8-12 кун ўтгач ғумбақдан капалак учиб чиқади. Кўсак қурти урғочиси организмининг хаётий хусусиятига ва қўшимча озиқланишига қараб 400-3000 тагача тухум қўяди. Ўсиш даври мобайнида ёзга тунлами 3-4 авлод бериши мумкин. Мавсум давомида хар қайси бўғиннинг ривожланиши бир хил муддатда айрим стадиялари нисбатан узоқ ривожланади, ёз ўрталарида жазирама иссиқ таъсирида у жадал яшайди. Август ва сентябрда харорат пасайиши билан яна

секинлашади. Умуман олганда ғўза тунлами ўзининг тўлиқ ривожланиш даврини тухумдан капалакка айлангунча 30-40 кун мобайнида тугайди.

Кейинги йилларда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра Ўзбекистон ўрта толали навларнинг хар 100 тупида 8-10 тадан, ингичка толали ғўзаларда эса 3-5 тадан кўсак курти тухуми ва қурти топилганда химиявий дорилашга киришилади.

Хозирги пайтда ғўза тунламининг ғўза ва бошқа заарланадиган экинларда аниқлаш ва кураш чораларининг муддати ва турини белгилаш учун ферамон тутқичлар яратилиб, амалиётда кенг қўлланилмоқда. Бу ерда шуни қайд этиш лозимки Ўзбекистонда кўплаб ишлатилди, майдонларнинг 0,5-1 мартаға камайишига олиб келди.

**Кузги тунлам**-*Agrotis segetum. Den et Schiff.* Суғориладиган пахтачилик туманларида кенг тарқалган зааркундалардан биридир. Унинг қуртлари 34 та ўсимликлар оиласида мансуб бўлган юзлаб экинларга зарар етказади. Ғўза, беда, қанд лавлагиси, маккажўхори, ғалла, мойли ўсимликлар ва полиз экинлари, шунингдек печак ўт, ёввойи тожихўроз, шўра, олабўта ўсимлиги қузги тунламнинг энг хуш кўрган озиғидир. Кузги тунлам қуртлари униб чиқаётган ғўза чигитини шикастлаб, уруғ паллаларини тешади, илдизларни ёки илдиз яқинидаги пояни кемиради, баъзан майсаннинг ер устки қисмини ҳам заарлайди. Шоналаш даврида яъни ғўза поясининг остки қисми дағаллашади, натижада тунлам қуртлари уларни кемиришга ожизлик қиласи. Шу боисдан қуртлар эртаги экинларга қараганда, кечки экинларга кўпроқ зарар етказади. Мутахасисларнинг фикрича, ғўзанинг беш олти чинбарги фазасидан кейин шикастланмаслиги мазкур сабаблардан ташқари озиқнинг биокимёвий таркибининг ўзгариши сабаб бўлар экан. Қуртлар ёппасига кўпайган йиллари майсалар шу қадар сийраклашади, хатто бу экинни қайта экиш зарур бўлиб қолади.

Ғўза эрта экилганда катта ёшдаги қуртлар пайдо бўлгунича чинбарг чиқариб улгуради ва ғўза шикастланмайди, чунки бундай ғўза билан қурт яхши озиқлана олмайди. Кечга қолган ғўзани тунлам қуртлари қаттиқ шикастлайди қузги тунлам кечки экинлардан маккажўхори ва бошқа ўсимликларга кучли шикаст етказиши мумкин. Кузги тунламни шикастлаш белгилари ва қандай зарар етказишига, шунингдек морфологик белгиларига қараб бошқа тунлам турларидан ажратиб олиш мумкин.

Кузги тунлам капалагининг қаноти ёзилганда қарийб 40 ммга етади. Олдинги қаноти сарғишкулранг, орқа-қаноти эса тўқ томирли оқ тусда. Олдинги қаноти доғли бўлиши характерли хусусиятидир: қанотларининг асосида яқин жойда попасимон қорамтири доғи, қанотининг деярли марказида юмалоқ ва ундан бироз юқорироқда буйраксимон доғлари бор.

Буйраксимон ва юмалоқ доғлари тўқ тусли чизик билан ўралган.

Кузги тунлам тухумининг диаметри 0,65 мм келади. Шакли қуббасимон бўлиб, тепасида бўртиқлар бор.

Тухумининг сиртида 16дан- 20тагача қовирғачалари бўлиб, уларнинг бир қисми тухум ичига бориб туташади, эндигина қўйилган тухумлар оқ бўлади.

Кузги тунламнинг етук қурти 5смга етади. Унинг кўкиш-кулранг танаси биқинларидан иккита ноаниқ йўл ўтган, булар орасида эса учинчи йўл бўлиб, бу орқа қон томирларининг ғира-шира кўринишидир.

Безовталанган қурт буралиб, ҳалқа бўлиб қолади. Гумбаги оч қўнғир бўлиб бўйи 14-20 ммга teng, унинг охирги сегментида иккита айри тиканчаси бор.

Кузги тунламларнинг ривожланиш муддатларини башорат қилиш: кузги тунламаларнинг ривожланишига оид башорат яқин орада жойлашган метеорологик станция ёки пастларнинг агрометеорологик кузатишлардан олдинги маълумотлар асосида тузиб чиқилади. Зааркундаларнинг ривожланишига доир узоқ муддатли башоратлар асосида кузги тунламнинг ғўза ва бошқа экинларига тушиш хавфи маълум қилинади. Ўсимликларни ҳимоя қилиш институти томонидан тузиб чиқилганда мавжуд усулга мувофиқ зааркунанда капалакларининг баҳорда пайдо бўлиши ва ривожланиш муддатлари фойдали ҳаракат йифиндисига қараб аниқланади. Ҳавонинг ўртacha ўн кунлик ҳарорати юзасидан ҳисоблаб чиқилади. Дастребки капалакларнинг учиш вақтини ҳарорат кўрсаткичларига қараб аниқлаш, уларнинг асосий учадиган даврини ўз вақтида белгилаш зарур. Аксари 20-30 кун давомида ўртacha ўн кунлик ҳарорат 20°га яқин ва ундан ортиқ бўлганида, капалакларнинг асосий қисми учади. Кузги тунламнинг иккинчи ва ундан кейинги авлодлари капалакларнинг уча бошлишини аниқлаш учун илгариги авлод капалакларининг уча бошлаган муддатига эътибор берган ҳолда фойдали ҳарорат йифиндиси ҳисоблаб чиқилди. Фойдали ҳарорат йифиндиси 550° бўлиши янги авлод капалакларининг уча бошлаш муддатини кўрсатади.

### Илдиз қуртига қарши қураш чоралари

Кузги тунлам ва бошқа кемирувчи тунламларни йўқотиш мақсадида баҳор мавсумида (март-апрелда) уларнинг дастребки қўпаядиган асосий жойларида-маккажўхори, эртаки сабзовот – полиз, картошка экинзорларига, йўл ёқалари, дала уватлари , ариқ бўйларида, бунда уни ҳар гектар ҳисобига 50-60 минг дан умумий нормада 5-7 кун оралатиб 3 марта тарқатилади.

Ғўза экинига тушган кузги тунлам ва бошқа кемирувчи тунламларга қарши қурашда трихограмманинг самара бериши қўп жиҳатдан тухумхўрни неча марта тарқатиш ва қўллаш нормасига боғлиқ. Трихограмма бир ва икки қўлланганда самарадорлиги атига 5-10 кунгача давом этади. Гектарига 60+80+60 минг ҳисобида уч марта тарқатилганда жуда узоқ вақт давомида анча яхши самарага эришилади.

Кузги тунлам ва бошқа кемирувчи тунламларга қарши курашда трихограмма ишлатишдан энг яхши натижа олиш учун тухумхўрнинг биринчи марта чиқарилиши зааркунанда тухум қўядиган пайтга тўғри келиши керак. Шу билан бирга зааркунанданинг бир авлод бериш даври давомида трихограмма икки уч марта ривожланиши мумкин. Трихограмманинг янги қўлланган ва ундан кейинги авлодлари зааркунанданинг оммавий тухум қўйиш даврида ва кечроқ фурсатда тухумларни заарлашга қаратилади.

Кидириб топиш хусусиятининг яхшилиги унинг ижобий сифатлари қаторига киради. Бракон урғочиси хатто қўсак ичидаги кириб олган туллам қуртларини хам излаб топиб шикастлайди. Улғайган текинхўр яхши учади ва дала бўйлаб яхши тарқалади. Юқорида айтганимиздек, текинхўрнинг урғочилари қуртларни заарлашига қарагандан кўпроқ қиради. Унинг фаолияти, трихограммадан фарқли ўлароқ, далаларда яхши сезилиб туради.

Бракон афзаликларини камситмаган холда унинг битта жиддий камчилиги тўғрисида айтиш керак. Текинхўр урғочиси ўрта ва катта ёшдаги қуртларни заарлайди. Бу тушунарли албаттага, зотан хўжайнининг қурти не чоғлик йирик бўлса, текинхўрни хам шу қадар қўп личинкалари унда озиқлана олади. Энг хаётий қобилиятли текинхўрлар йирик қуртларда ўсади. Бироқ бу қурт то ўрта ёшга етгунга қадар анча миқдор мева элементларини шикастлаб қўяди.

Текинхўрнинг самарадорлиги тўғрисида провард натижалар, техникавий, хўжалик ва иқтисодий самарадорликка қараб фикр юритиш керак. Амалиёт кўрсатганидек трихограмма ёки бракон ишлатиш хар гектарда 2-5 центнергача пахта хосили сақлаб қолишга имкон беради. Текинхўрларнинг биргаликда қўллашнинг хўжалик жихатидан самарадорлиги хали хисоблаб чиқарилмаган, лекин бу тадбирнинг юксак самара кўрсатиши муқаррар.

Бракон хозиргача далаларга улғайган хашорат фазасида кундузги соатларда, шамолсиз сокин хавода қўлда тарқатиляпти. Фўза тулламишининг хар бир генерациясига қарши уч қайталаб бракон ишлатилади. Ўрта ёшдаги қуртлар пайдо бўла бошлагандан, яни текинхўрнинг ўлжага нисбатан 1:5 бўлиб, хар юз туп ғўзада 5-6 та дан қурт топилганда биринчи марта бракон чиқарилади. Браконнинг ўлжага нисбатан 1:10 бўлиб хар юз туп ўсимликда уч тўрттадан қурт топилганда биринчи чиқаришдан кейин 5-7 кун ўтгач иккинчи марта текинхўр тарқатилади, учинчи галги текинхўр чиқариш хам иккинчи галгидек ўтказилади.

Чанқатилган экинзорларда бошқача манзара кўзга ташланади, бунда трихограмма қўллаш самарадорлги анча пасаяди. Бундай холлар текинхўр чиқариш нормасини 25% ошириш зарур.

Энтомофаглар ва акарифагларнинг ижобий табиий популяцияларидан самарала фойдаланишда атроф-мухитнинг заҳарли химикатлар билан ифлос

қилиниши муҳофаза қилинади, одамлар ва иссиққонли ҳайвонларнинг заҳарланиши, табиатдаги фойдали организмларнинг кўплаб қирилиши бартараф қилинади.

Ҳозирги вақда трихограммага икки ёқлама муносабатда бўлиняпди. Кўпгина амалиётчилар бу текинхўрнинг афзаликлари ва имкониятларини тушиниб олиб, уни муваффақиятли қўлламоқдалар. Бу борада Наманган вилояти яққол мисол қилиб қўрсатиш мумкин. Бу албатта трихограммани ҳатто профилактика мақсадида ҳам фақат пахта даласи ва сабзовот экинларигагина эмас, балки баҳорда заараркунандалар тўпланадиган йўл ёқалари, ариқ бўйларига ҳам тарқатадилар.

Бошқа хил амалиётчилар, ўсимликлар муҳофазаси бўйича мутахасислар узоқ йиллар давомида Ўзбекистоннинг экстремаль ёз шароити, яъни кундизги ҳарорат  $40\text{-}50^{\circ}$  гача қўтарилиб, ҳавонинг нисбий намлиги  $25\text{-}30\%$  гача пасайган кезларда трихограмма истиқболли эмас деб келишди. Улар бунинг тасдиғи ўлароқ мамлакатнинг Европа қисмидан олинган тажриба маълумотларини келтирадилар, яъни ҳарорат  $30^{\circ}$  гача қўтарилиганда ва ҳаво намлиги  $50\%$  дан пасайганда трихограмма тунлам тухумларини заарламай қўяди.

### Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikas Vazirlar Maxkamasining Meva –sabzavot, kartoshka va poliz maxsulotlarini xarid qilish va ulardan foydalanish tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risidagi qarori. Toshkent shaxri, 2016 yil.12 aprel.
2. To‘raqulov. Biologik usul mo‘l hosil garovi. “O‘zbekiston Qishloq Xo‘jaligi” jurnali. 1998-yil №5-6. 47-48.
3. Qobilbekov I.M. obasnavanie injegirovannoy sistemi borby s xlopkovoy sovki v usloviyakh severnogo Tadjikistana na osnovnoe izu chekil xlopkovogo arabsinoza. Atordiss kand s/x nauk: 06.01.11.T.1994.
4. Z.Q.Odilov. Trixogrammani tayyoridan tarqatishni ishlab chiqarishdagi ba’zi istiqbollari. O‘zbekiston dehqonchilik sanoat majmuining ilmiy tadqiqoti. T. Fan. 1995. b. 509-513.
5. Bekchanov X. Zararkunanda tunlamlar. O‘zbekiston Qishloq xo‘jaligi 1998. № 2. b. 32-33.
6. Tolibjonov Oxunjon Odiljon o‘g‘li, Muydinova Kamola Baxtiyor qizi, ANORNING FOYDALI XUSUSIYATLARI VA UNI UZOQ VAQT DAVOMIDA SIFATLI SAQLASH SIRLARI., Tadqiqotlar: Vol. 9 No. 1 (2023):" TADQIQOTLAR jahon ilmiy-metodik jurnalni| 9-son| 1-qism"
7. Tolibjonov Oxunjon Odiljon o‘g‘li, Sharofiddinov Bekzodjon Dilshodjon o‘g‘li, MIKROBIOLOGIK PREPARATLARININGNING QISHLOQ XO ‘JALIGIDAGI AXAMIYATI, Tadqiqotlar: Vol. 9 No. 1 (2023):" TADQIQOTLAR jahon ilmiy-metodik jurnalni| 9-son| 1-qism"
8. Tolibjonov Oxunjon Odiljon o‘g‘li, Sharofiddinov Bekzodjon Dilshodjon o‘g‘li, MIKROBIOLOGIK PREPARATLARININGNING QISHLOQ XO ‘JALIGIDAGI AXAMIYATI, Tadqiqotlar: Vol. 9 No. 1 (2023):" TADQIQOTLAR jahon ilmiy-metodik jurnalni| 9-son| 1-qism"
9. Tolibjonov O. O. O. G. L. ANORNI ZARARKUNANDALARDAN HIMOYALASH //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 5. – S. 956-959.